## В. М. Молотов Австрия журналистларини қабул қилди

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари, СССР Ташқи ишлар Министри В. М. Молотов Четэллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Австрия журналистлари делегациясини шу йил 21 октябрьда қабул қилди.

Қабул вақтида Австрияда чиқадиган «Винер цейтунг» газетасининг бош редактори доктор Франц Штампрех, «Дас клейне фольксблатт» газетасининг бош редактори доктор Франц Грессель, «Эстеррейхише фольксштимме» газетасининг бош редактори Эрвин Цуккершиллинг, «Нейе винер тагесцейтунг» газетасининг редактори Генрих Шрамм, «Ди прессе» газетаси бош редакторининг ўринбосари доктор Отто Шульмейстер ва «Нейес эстеррейх» газетаси халқаро бўлимининг редактори доктор Отто Фриц Беер ҳозир бўлдилар.

В. М. Молотов Австрия журналистлари блан суҳбат қилди ва суҳбат вақтида Совет-Австрия муносабатлари, шунингдек халқаро аҳвол ҳақида улар томонидан берилган бирқанча саволларга жавоб қайтарди. (ТАСС).

## БМТ Бош Ассамблеясининг Х сессияси

### 20 октябрь эрталабки ялпи мажлис

НЬЮ-ЙОРК, 21 октябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг 20 октябрь эрталабки ялпи мажлисида Иқтисодий ва социал кенгашга сайлов давом этди.

Овозга қўйиш натижасида кенгашнинг икки янги а'зоси (Бразилия ва Греция) сайланди. Шундай қилиб, АҚШ, Канада, Индонезия, Югославия, Бразилия ва Грецияни Иқтисодий ва социал кенгаш а'золари қилиб сайлаш блан кенгаш сайлови тамом бўлди.

Шундан кейин, Васийлик кенгашига Сальвадор ва Сурия ўрнига икки а'зо сайланди. Сальвадор ва Суриянинг ваколат муддати шу йилнинг охирида тамом бўлади. Васийлик кенгашининг а'зоси қилиб Гватемала ва Сурия сайланди.

Шундан кейин, бош Ассамблея раиси Хавфсизлик Кенгашига сайлов 27 октябрьгача кечиктирилажагини билдирди.

Бош Ассамблеянинг ялпи мажлиси шу блан тамом бўлди.

Кўп журналистлар ва делегацияларнинг а'золари кейинги кунларда БМТ органларига сайлаш вақтида АҚШ делегацияси қўлланган метод ва найранглар Бош Ассамблеянинг Х сессиясида шу вақтгача мавжуд бўлган ҳамкорлик руҳига кескин суратда хилоф эканлигини та'кидламоқдалар.

## Совет артистларининг Мисрда бўлиши муносабати блан қабул маросими

ҚОҲИРА, 21 октябрь. (ТАСС). Кеча СССРнинг Мисрдаги элчиси Д. С. Салод СССР халқ артисткаси Ҳ. Носирова, Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Г. Измайлова, РСФСРда хизмат кўрсатган артистка И. Тихомирнова ва бошқалардан иборат совет артистлари группасининг Қоҳирада бўлиши муносабати блан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида мисрли мансабли кишилар, бирқанча дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари ва а'золари, шунингдек Мисрнинг кўзга кўринган артистлари, композиторлари, музикачилари, рассомлари, ёзучилари ва журналистлари ҳозир бўлдилар.

Совет артистлари қабул маросими қатнашчилари учун концерт қўйиб бердилар.

## Франция ҳукумати составида ўзгаришлар

ПАРИЖ, 21 октябрь. (ТАСС). Кеча Франция Министрлар Советининг раиси Эдгар Фор ҳукумат составини ўзгартган. Ҳукумат составининг ўзгартирилишига асосан сабаб шуки, 6 октябрьда «социал республикачилар» группасининг а'золари бўлган министрлар—Гастон Палевский, Раймон Трибуле ва Пьер Кениг Форнинг Марокаш масаласидаги сиёсатига қарши норозилик билдириш юзасидан ҳукумат составидан чиқдилар.

Париж матбуотининг билдиришига қараганда, Пьер Жюли («республика ва социал ҳаракат мустақил группаси»нинг а'зоси бўлиб, шу вақтгача Тунис ва Марокаш ишлари министри бўлган эди) лавозимсиз министр қилиб тайинланган. Венсан Бади (радикал-социалист) собиқ фронтчилар ишлари министри қилиб тайинланган. Генерал Бийот («республика ва социал ҳаракат мустақил группаси»нинг а'зоси) миллий мудофаа министри лавозимига тайинланганлиги тўғрисида 6 октябрьдаёқ хабар берилган эди.

Тунис ва Марокаш ишлари министрлиги тугатилганлигини ҳам билдирмоқдалар. Бу министрликнинг ҳамма ишлари ташқи ишлар министрлиги ихтиёрига топширилади.

## Совет-Финляндия муносабатлари тўғрисида Кекконеннинг айтганлари

ХЕЛЬСИНКИ, 21 октябрь. (ТАСС). Аграр союзи томонидан нашр этилаётган «Кюнтяя» журналининг кейинги сонида бош министр Кекконеннинг Москвага қилган сафари тўғрисидаги ва Совет-Финляндия музокаралари ҳақидаги мақоласи босилди.

Бош министр бу мақоласида, жумладан, қуйидагиларни ёзади:

Фин халқининг бахтли истиқболини кўзда тутиб, Москва музокаралари вақтида ҳукм сурган ишонч ва самимийлик руҳи Финляндия блан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда бундан буён ҳам ҳукм суришини исташ керак.

Ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни кўзда тутган самимий хоҳиш ва ирода сақланиб қолар ва мустаҳкамланар экан, у ҳолда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч асосида ва ҳар икки томон учун фойдали бўлган асосда дўстона музокаралар ёрдами блан ҳал этилмайдиган ҳечқандай масала бўлиши мумкин эмас.

## Дания Компартиясининг XVIII с'езди очилди

КОПЕНГАГЕН, 21 октябрь. (ТАСС). Бугун Копенгагенда Дания Коммунистик партиясининг 18-нчи с'езди тантанали вазиятда ўз ишини бошлади. С'ездда 500 делегат ва Польша, Испания, Канада, Ғарбий Германия, Франция, Швеция, Норвегия, Финляндия, Бельгия, Чехословакия ва Исландиядан келган меҳмонлар қатнашмоқдалар.

Дания Коммунистик партияси Марказий комитетининг секретари Аксель Ларсен с'езд делегатларига ва қардош компартияларнинг вакилларига қарата табрик нутқи сўзлади. С'езд қатнашчилари унинг таклифига мувофиқ, ўринларидан туриб, И. В. Сталин, К. Готвальд хотирасини ва Дания Компартиясининг асосчиларидан бири бўлган Мартин Андерсен-Нексе хотирасини ҳурматлаб эсга олдилар.

Президиум сайланганидан кейин, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Дания Коммунистик партияси 18-нчи с'ездига юборган табрик телеграммаси ўқиб берилди.

КПСС Марказий Комитети телеграммасининг текстида бундай дейилади:

### ДАНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XVIII С'ЕЗДИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Дания Коммунистик партиясининг XVIII с'ездига қардошларча қизғин салом йўллайди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Дания Коммунистик партиясининг ўз сафларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун, ишчилар синфининг бирлиги учун, тинчлик, социализм учун ва ўз мамлакатининг миллий мустақиллиги учун олиб бораётган курашида муваффақиятлар қозонишини тилайди.

Яшасин Дания Коммунистик партияси!

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети**

* * *

С'езд Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига жавоб телеграммаси юборишга якдиллик блан қарор қилди.

Марказий Комитет раисининг ўринбосари Альфред Иенсен Дания Коммунистик партияси Марказий Комитетининг сиёсий ҳисоботини берди.

## ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТАМОМ БЎЛДИ

### Морис Торез нутқи

ПАРИЖ, 21 октябрь. (ТАСС). Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг деҳқонлар аҳволи ва партиянинг қишлоқдаги ишлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилган пленумининг охирги мажлисида партиянинг бош секретари Морис Торез нутқ сўзлади. Морис Торез айтдики, Коммунистик партия деҳқонлар масаласини биринчи марта муҳокама қилаётгани йўқ ва Коммунистик партия ўзи ташкил топган пайтданоқ меҳнаткаш деҳқонларнинг манфаатларини доим ҳимоя қилиб келмоқда.

Торез айтдики, деҳқонлар оммаси Франция Коммунистик партиясини кенг қўллаб-қувватлаб келмоқда. Сайловларда қишлоқ аҳолисининг 30 процентидан тортиб 40 процентгачаси коммунист кандидатларни ёқлаб овоз бераётганлигидан шу нарсани очиқ кўриш мумкин. Коммунистик партиянинг қишлоқда ана шундай та'сир кўрсатаолганлигига сабаб шуки, Коммунистик партия ўз фаолиятида француз деҳқонларининг асосий талабларини зўр бериб ҳимоя қилмоқда.

Шундан кейин, Торез майда деҳқон хўжаликларнинг вайрон бўлаётганлиги ва капиталистик ишлабчиқариш анархияси тўғрисидаги масалага тўхталиб ўтди.

Торез ишчилар синфи блан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқи тўғрисидаги масалага катта э'тибор берди. Коммунистик партия, деди у, ер уни ишлаб экин экучиларга топширилиши лозим, йирик аграриялар томонидан босиб олинган ерларни эгалариг қайтариб бериш керак, деб ҳисобловчи партиядир. Бу ишларни жамиятнинг ва қишлоқ хўжалигининг манфаатларига муносиб бўлган ва деҳқонларнинг фаровонлигини оширишга ёрдам бераоладиган формада бажариш керак.

Шу сабабдан, деди сўзини давом этдириб Торез, Коммунистик партия ишчилар синфи блан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқи партиясидир. Бизнинг партиямиз ана шу иттифоқни мустаҳкамлашни доим ўзининг асосий бурчи деб ҳисоблаб келди. Аммо, ана шу доимий вазифа ҳозирги вақтда айниқса катта аҳамиятга эгадир.

Торез бундай деди: Биз ҳозирги кунда ишчилар блан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқини шунинг учун ҳам мустаҳкамлашимиз керакки, ишчилар ҳам, меҳнаткаш деҳқонлар ҳам капитализмнинг кучайиб бораётган иқтисодий ҳужумига қарши, вайронгарчилик ва қашшоқликка қарши кураш олиб боришлари лозим. Биз, реакцияни мағлубиятга учратиш учун, демократик эркинликларни ҳимоя қилиш, обскурантизмнинг ҳужумини ва дун'ёвий мактаб душманларининг ҳужумини барбод этиш учун ҳозирги кунда ишчилар блан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашимиз керак. Биз, ҳозирги кунда ишчилар блан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашимиз лозим, чунки миллий мустақиллик ҳали ҳам хавф остида қолмоқда. Жумладан, «яшил пул» номидан ва «Европа» манфаатлари деган баҳоналар блан Франциянинг қишлоқ хўжалигига қилинаётган ҳужум буни исбот этади.

Биз, деб сўзини давом этдирди Торез, чекинабошлаган уруш даҳшатларини янада узоқлаштириш учун ишчилар блан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашимиз лозим. Франциянинг ташқи сиёсатини музокаралар олиб бориш йўли блан (шу жумладан француз иттифоқи халқлари блан музокаралар олиб бориш йўли блан) қарорлар қабул қилиш йўлига, социалистик лагердаги мамлакатлар блан самарали иқтисодий алоқа қилиш йўлига, самарали қуролсизланиш йўлига тушириш учун бизга шундай иттифоқ зарур. Деҳқонлар урушнинг жуда кўп қон тўкилишига ва вайронагарчиликларга сабаб бўлишини жуда яхши билганликлари учун ҳам ҳозирги кунда демократик кучлар ҳаракатини мустаҳкамлаш зарурлигини яхши ҳис этмоқдалар. Ҳукмдорларнинг кескинликни юмшатиш вазифасини бажаришдан бўйин товлаш ниятида ҳарқандай баҳоналарни қидириб топиш мақсадида эмас, балки кескинликни юмшатиш мақсадида фойдали музокараларнинг ҳаммасида қатнашувига эришиш учун демократик кучлар ҳаракатини мустаҳкамлаш зарур.

Торез коммунистларни ва барча партия ташкилотларини партиянинг тинчликка, миллий мустақилликка, демократик эркинликларни ва социал прогрессни ҳимоя қилишга асосланган сиёсатини француз меҳнаткаш деҳқонларига кенг тушунтириб беришга чақирди.

Марказий комитет пленуми Вальдек Роше доклади юзасидан резолюция қабул қилди. Бу резолюцияда айтилишича, капитализмнинг иқтисодий қонуниятлари қишлоқ хўжалик ишчиларининг ва майда деҳқонларнинг тобора қашшоқланишига сабаб бўлмоқда. Ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқи Франциянинг сиёсий йўлини тезликда ўзгартириш учун, келгусидаги социализм иши учун муваффақиятли суратда кураш олиб боришнинг зарур шартидир. Пленум, тинчлик ва демократияни ҳимоя қилиш деҳқонларнинг кенг табақаларини ишчилар синфи блан бирлаштиришни талаб этади, деб ҳисоблайди.

Марказий комитет партияни қишлоқдаги ўз ишларини кучайтириш ва яхшилашга чақирди. Марказий комитет Вальдек Рошенинг докладини ва Морис Торезнинг нутқини ма'қуллади ҳамда барча партия ташкилотларига ана шу ҳужжатларни француз деҳқонлари орасига кенг тарқатиш учун тегишли тадбирларни кўришни таклиф этди.

## СУРИЯ-МИСР МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 21 октябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг билдиришига қараганда, бош министр ва ташқи ишлар министри Саид Ғози бошчилигидаги Сурия ҳукумат делегацияси король Сауд блан музокара олиб бориш учун 21 октябрьда эрта блан самолётда Саудия Арабистонига учган.

Саид Ғози жўнаб кетиши олдидан Сурия-Миср муносабатларига тўхталиб, Сурия делегацияси Саудия Арабистонидан қайтиб келганидан кейин Сурия-Миср ҳарбий шартномасини расмий суратда имзолаш маросими ўтказилади, деган.

ҚОҲИРА, 21 октябрь. (ТАСС). Миср газеталари 20 октябрьда Дамашқда Сурия блан Миср ўртасидаги пактга дастлабки имзо чекилганлиги тўғрисидаги хабарни босиб чиқардилар.

«Ал-жумҳурия» газетаси ёзади: Миср-Сурия пакти ўзларининг миллий манфаатларини ҳимоя қилаётган ва Ғарб блан ҳарбий блокларда қатнашишга қарши чиқаётган араб давлатларини жипслаштиришнинг мустаҳкам асоси бўлади. «Миср-Сурия пакти, — деб уқтириб ёзади газета, — араблар иттифоқи бўлиб, фақат мудофаа мақсадларинигина кўзда тутади».

«Ал-аҳром» газетаси қуйидагиларни ёзади: Бу пакт араб мамлакатлари иттифоқи уставига мувофиқ равишда тузилди ва «ҳар иккала давлатнинг ҳарбий масалалардаги, иқтисодий масалалардаги, шунингдек халқаро муносабатлар соҳасидаги сиёсатини тамомила мувофиқлаштириб олиб боришни» кўзда тутади.

БАЙРУТ, 21 октябрь. (ТАСС). «Ориан» газетаси «ишончли манба'ларга» асосланиб, Сурия-Миср ҳарбий шартномасининг мазмунини босиб чиқарди. Шартнома, жумладан, шуни кўзда тутадики, томонлардан бирига қарши бўладиган ҳарқандай ҳужум томонларнинг иккинчисига нисбатан ҳам агрессия акти деб қаралади. Шартнома олий кенгаш, ҳарбий кенгаш тузишни ва қуролли кучлар бирлашган қўмондонлигини тузишни мўлжаллайди.

ПАРИЖ, 21 октябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Дамашқдан билдиради: Дамашқ матбуоти ҳарбий иттифоқ тўғрисидаги Сурия-Миср шартномасининг имзоланишини ғоят ма'қуллади.

Аммо, ба'зи газеталар, чунончи «Ар-Рай Ал-омм» ва «Ал-Анба» газеталари шартнома имзоланганлигини жуда ҳам сир тутиш ва бу тўғрида индамай ўтиш мақбул эмас, деб ҳисобламоқдалар.

«Шартномани имзолаш маросими, — деб ёзади «Ар-Рай Ал-Омм» газетаси ўзига хос бир маросим бўлди. Бу маросимга журналистлардан бирор киши ҳам киритилмади ва ҳар икки томон ана шу воқиани 22 октябрь эрталабгина э'лон қилиш тўғрисида шартлашди».

## Ливан бош министрининг баёноти

БАЙРУТ, 21 октябрь. (ТАСС). Ливан бош министри Карама «Ал-жарида» газетасининг мухбирига, Миср блан Сурия ўртасида пакт тузилганлигини табриклайман, деди. У, Ливан яқин вақтлар ичида бу битимга қўшилади, деб ишонч билдирди.

# Тошкентда

## МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИЗИОН СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛИШИДА





Тошкент Марказий телевизион станцияси қурилиши ишлари тугалланай деб қолди. Ҳозир станция биносини пардозлаш ишлари қизғин сур'атлар блан бормоқда. Бинонинг ичида 8 минг квадрат метр сувоқ ишлари, 12 минг квадрат метр ганч-ўймакорлик ишлари битказилди. Бинонинг ташқи томонида бажарилиши керак бўлган 2500 квадрат метр сувоқ ишларидан 1600 квадрат метри тайёр бўлди. Бинонинг фасади оқ цемент ва оқ мармар ушоқлари блан чиройли қилиб безатилмоқда. Бинонинг фасадида 11 метрлик мураккаб нақшли устунлар бор.

Марказий телевизион станция биносини пардозлаш ишларида В. Ф. Кудрявцев ва М. М. Колпаков бошчилигидаги икки бригада иш олиб бормоқда. 3-нчи қурилиш участкасининг ўртоқ П. А. Терешчин бошчилигидаги бу икки бригада коллективи КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, пардозлов ишларини муддатидан илгари тугатиш учун ғайрат блан ишламоқдалар.

Суратда: **П. А. Терешчин** ва пардозлов ишчилар бригадасининг бошлиғи **М. М. Колпаков** зарҳаллаш ишларини кўздан кечирмоқдалар. (Ўнгда) Бинонинг фасадидаги устунни безаш пайти.

**В. Салов** фотолари.

## Улуғ халқ сан'ати

Хитой сан'ати намуналари кўчма виставкасининг Ўзбекистон ССР давлат сан'ат музейида уюштирилиши республикамиз ҳаётида катта воқиадир. Виставка СССР Маданият министрлиги томонидан давлат Эрмитажи фонди асосида ташкил қилинган. Экспонатлар орасидаги тасвирий сан'ат, ҳайкалтарошлик, графика, декоратив-безак намуналари қадимги вақтдан шу кунгача бўлган хитой сан'атининг нодир нусхаларидир. Виставкага қўйилган қадимги сан'ат ёдгорликлари талантли халқ, унинг инсонпарварлиги, озод турмушга бўлган интилишини ифода этади.

Нозик нақшлар блан ажралиб турувчи хитой халқ сан'ати ўзининг ранг-баранглиги, моҳирлик блан ишланганлиги туфайли тамошабинларни ўзига жалб этади. Қадимги хитой тасвирий сан'атида бадиий образлар яратилиб, тасвирий сан'атнинг тарбиявий ролига катта э'тибор берилган. Хитой тасвирий сан'атчилари қадимги вақтларданоқ табиат манзаралари, гул ва қушларни тасвирлаш блан шуғулланиб, ажойиб бадиий асарлар яратганлар.

Янги тарихий даврда яшаётган ҳозирги халқ Хитойида меҳнаткашлар кунсайин янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Меҳнаткашлар қўлга киритаётган янги ютуқлар, уларнинг фидокорона меҳнатлари ҳозирги замон Хитой рассомлари учун битмас-туганмас илҳом манба'идир. Шунинг учун ҳам табиат манзаралари картиналари блан бир қаторда ҳозирги замон темаларида яратилган жозибали полотноларнинг мавжудлиги тасодифий ҳол эмас. Ден Шунинг «Тинчликни сақлаймиз», Чжан Би-унинг «Ҳаммамиз тинчликни севамиз», Цао-Цзянь-финнинг «Янги вазифаларни бажаришда» ва бошқа рассомларнинг ижодлари бунинг далилидир.

XVIII—XIX асрларда чинни ва бошқа нарсалардан ишланган хилма-хил буюмлар тамошабинлар диққатини беихтиёр ўзига тортади.

## Янги рентген кабинети

Тошкент трамвай-троллейбус трестининг коллективига хизмат қилаётган 10-нчи поликлиникада рентген кабинети ташкил қилинди.

Бунга тажрибали врач С. А. Ривкус бошчилик қилмоқда. У, кабинетнинг асбоб-ускуналар блан етарли миқдорда та'минлаш ишларига алоҳида аҳамият бермоқда.

Энди трестнинг ишчи ва ходимлари ўз иш хоналарида рентгендан ўтиш имкониятига эришдилар.

### СУД ЗАЛИДАН

## Колхоз мулкини талон-торож қилучи жазоланди

Чиноз районидаги «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхозининг а'зоси Абдуқодир Жунусбеков колхоз фермасида молбоқар вазифасида ишлар эди. У, 1954 йилда колхознинг бир сигирини Қулумбеков деган шахсга 4400 сўмга ўғринча сотиб, пулини ҳазм қилиб юборади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, ўғри Жунусбеков 1955 йилда ҳам колхознинг бир сигирини Бойтаев деган кишига 2500 сўмга сотади. Бундан ташқари муттаҳам Жунусбеков колхознинг 4 бош қорамолини noма'лум кишиларга бериб юборган, 11 бош сигирни 11 бош майда молга алмаштирган. Натижада колхозга 11 минг 500 сўм зарар келтирган.

Яқинда Чиноз район халқ суди текинхўр, колхоз мулкини талон-торож қилучи Жунусбековнинг жиноий ишини кўриб чиқди. Суд СССР Олий Совети Президиумининг 1947 йил 4 июньдаги «Давлат ва жамоат мулкини ўғирлаганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида»ги Фармонига мувофиқ, Жунусбековни 8 йил муддатга ахлоқ тузатиш меҳнат лагерига юборишга, жазони ўтаб чиққандан сўнг 2 йил сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳукм қилди.

## Шаҳарни кўкаламзорлаштириш учун

Адлер шаҳридан Тошкентга тувакчалар, вазонлар ва катта ёғоч пақирларга ўтқазилган уч вагон ҳар турли жануб ўсимликлари: хурмо дарахтлари ва хамеропе хурмолари, лавра дарахтлари, драценлар, ҳамавақт ямяшил бўлиб турадиган магнолия (кўпинча оқ, ба'зан пуштиранг катта ва хушбўй гулли бута ёки дарахт) ва камелия (чойгуллилар жинсидан бўлган чиройли гулли ўсимлик)лар, гиацинт (сунбул)лар, мушмула ва бошқа субтропик ўсимликлар келтирилди.

30 хилдан кўпроқ ва уч минг тупга яқин бу ўсимликлар келгуси йил баҳорда шаҳар паркларини, сквер ва бульварларни безайди.

Бундан ташқари, Фрунзе ва Олмаота шаҳарларидан ҳам Тошкентга жуда кўп миқдорда дарахтлар, буталар, гуллар, шунингдек ўрмон-декоратив ўсимликлар келтирилади.

## Виставкага тайёрланмоқдалар

Тошкент тасвирий сан'атчилари, графиклар, ҳайкалтарошлар ва амалий сан'ат усталари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигига бағишланиб, 1957 йилда очиладиган виставкага пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Виставкага тайёргарлик кўришда амалий сан'ат усталарининг ёш рассомлар блан ижодий ҳамкорлик қилишлари яхши йўлга қўйилган.

Масалан, республика халқ рассоми Раҳимов ёш рассомлардан А. Аминов ва В. Жмакинлар блан биргаликда «Ўзбекистон — Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси» деган тематик ўйма керамика панносини яратиш устида иш олиб бормоқда.

Виставкага қўйиладиган янги асарларда социалистик мазмун миллий формада кенг очиб берилади.

## БИРМА ЖУРНАЛИСТЛАРИ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИЛАР

ТАССнинг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқига келган Бирма журналистлари группаси 21 октябрьдан 22 октябрьга ўтар кечаси Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Бирма журналистлари Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг ривожланиши блан танишдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини тамоша қилдилар, Навоий номли ўзбек опера ва балет театрида ва Муқимий номли ўзбек музикали драма ва комедия театрида бўлдилар.

Бирмали меҳмонларни Ўзбекистон телеграф агентлигининг ва республика газеталарининг вакиллари кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

## БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети шаҳар Совети депутатларига билдирадики, шу йил 24 октябрьда соат 19 да шаҳар ижроия комитетининг мажлислар залида (Сталин кўчаси, 29) «Тошкент шаҳар аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш ҳақида» деган темада навбатдаги лекция бўлади.

Лекцияни Тошкент шаҳар ижроия комитети маданият бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Н. Тожибоев ўқийди.

**Тошкент шаҳар ижроия комитети.**

**Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.**


ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/Х да кундуз **Қутлуғ қон**, кечқурун **Оғриқ тишлар.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/Х да кундуз **Боқчасарой фонтани**, кечқурун **Гулсара.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 3 бўлимда **цирк тамошалари. Йиртқич ҳайвонлар аттракционининг сўнгги кунлари.** Ўргатучи — **Иван Рубан.** Бугун **3 марта** тамоша кўрсатилади. Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кундуз соат 2 дан), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 дан), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) — **Ҳаёт сабоғи.**

«РОДИНА» — кундуз соат 12 ва 4 да **Дар'ёдаги чироқлар.**

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10 дан кундуз 2 гача **Кўчамизнинг командаси.**

«ИСКРА» — эрталаб соат 9 — 40, 10 — 20 ва 11 — 40 минутда **Чапаев.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да **Чук ва Гек, Бўялган тулки.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
ТЕЗ КУНДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
**О. Ёқубов** асари

Чин муҳаббат

Режиссёр — **Т. Хўжаев**, рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми **Х. Икромов**, композитор — **Н. Халилов.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 26 ОКТЯБРЬДА
Ўзбекистон давлат филармонияси
ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРИНИНГ КОНЦЕРТИ

Дирижёр — **Саид Алиев.**

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Карим Зокиров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Нонла Ҳошимова**, ёшлар Жаҳон фестивальларининг лауреатлари **Асад Азимов, Аббос Баҳромов** ва филармония солистлари қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.


Ўзбекистон КП Тошкент область комитети Боёвут район партия котетининг секретари ўртоқ Мурод Рауфовга

унинг хотини

**Ҳуррият Мусахоновна МИРАЗИМОВАНИНГ**

21 октябрьда бевақт вафот этганлиги муносабати блан чуқур та'зия изҳор қилади.

Ўзбекистон КП Боёвут район комитети Боёвут район партия комитининг секретари ўртоқ Мурод Рауфовга

унинг хотини

**Ҳуррият Мусахоновна МИРАЗИМОВАНИНГ**

21 октябрьда бевақт вафот этганлиги муносабати блан чуқур та'зия изҳор қилади.


РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Маданият бўлими — 132 Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 06795. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1534.